

Геодезия марафони

Амалиёт даврида билимларни янада мустаҳкамлаш ва амалиётчиларни вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўтган ҳафта давомида «Ер ресурсларини бошқариш» факультети 2- курс амалиёт ўтаётган талабалар ўртасида ГЕОДЕЗИЯ МАРАФОНИ бўлиб ўтди. Мусобақа ЎРБ факультети декани Ш. Нарбаев, «Г ва ГИ» кафедраси доценти А. Инамов ва факультет Ёшлар Иттифоқи фаоллари томонидан ташкил этилди. Марафонда Талабаларнинг олган билимлари ва эпчиллиги текширилди.

Марафон уч йўналишда бўлиб ўтди:

1. Геодезик ускунани ишчи ҳолатга келтириш;
2. НЗ нивелирида саноқ олиш;
3. 2Т30П теодалитида бурчак ўлчаш;

Марафон қизгин кайфиятда ўтди. Талабалар якка ва жамоа бўлиб ишлаб ғолиблик сари интилишди. Марафоннинг ғолиблари қуйидагича аниқланди. 1 - йўналишида ЎРБ факультети талабаси Норимбоев Ҳумоюн, 2 - йўналиш ЎРБ факультети 211 - гуруҳ жамоаси ғолиб бўлди. 3 - ёналиш ғолиблари кейинги турда аниқланади. Мусобақани ташкиллаштирган «Г ва ГИ» кафедраси доценти А. Инамовга талабалар номидан ташаккур билдирамыз.



ЎРБ ёшлар матбуот котиби Ш.Ҳамидуллаев

Институт матбуот котиби Р. Жуманиёзов